



# МУҒАЛЛИМ ХӘМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ

Илимий-методикалық журнал

№ 6/3 2024



гуманитарные науки  
естественные науки  
технические науки

ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНЕ  
МӘМЛЕКЕТЛИК СТАТУС  
БЕРИЛГЕНИНЕ

35  
жыл





## МАЗМУН

### ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ

**Nurimbetova S.K.** Filolog talabalarning frazeologik kompetensiyasini tarkibiy qismlarda rivojlantirish

**Muxtarova M.** Tilshunoslikda sharq tillarini o'qitishning nazariy va amaliy ahamiyati

**Мусурманкулова М.Н.** Исконно-русские термины построек и строительного дела

**Musurmankulova M.N.** Position of the term in different spheres

**Ro'ziyeva M.** The role of literary translation studies in english and uzbek literature

**Xudoyberdiyeva G.Sh.** Teaching english through interactive ways

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**O'ranova O.O'**. Bo'lajak kimyo o'qituvchilarini metapredmetli yondashuv asosida kasbiy faoliyatga metodik tayyorlashning afzalliklari

**Fayziyeva U.Yu.** Inklyuziv ta'limni tashkil etishning psixologik-pedagogik yondashuvlari

**Aliyev I.T.** Pedagogik va malakaviy amaliyotlarni tashkil etish: muammo va echimlar

**Botirov A.M.** Talabalarda mustaqil ta'lim topshiriqlarini bajarish faoliyatining metodik jihatlari

**Jo`rayeva G.A.** Allomalarimiz fikrlari asosida o'quvchilarning tabiiy-ilmiy savodxonligini va tafakkurini rivojlantirish

**Olloqulova F.U.** Ona tili darslarida o'quvchilarning tadqiqotchilik elementlarini shakllantirishning pedagogik aspektlari

**Yo'ldasheva S.A.** Shaxs mobilligini shakllantirish mavzusining pedagogik muammo sifatida o'rganilishi

**Шаюсупова Н.Э.** Рақамли қарамликнинг талабалар таълим жараёнига салбий таъсири

**Камалова Г.** Ўқувчиларнинг краетив компетентлигини ривожлантиришда геймификациянинг аҳамияти

**Umnova M.Q.** Talabalarni o'quvchilarning bilishga qiziqishini rivojlantirish faoliyatiga tayyorlash texnologiyasi

**Оразымбетов Е.К.** Қорақалпоқ халқ достонларидағи ботирларнинг қаҳрамонликлари мисолида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш

**Ishonkulov A.K.** O'qituvchilarning uzluksiz kasbiy rivojlanishi sharoitida informal ta'limning samaradorligi: nazariy tamoyillar va amaliy yechimlar

**Boymurodova G.T.** Pedagogik kouching faoliyatini takomillashtirishning ilmiy-nazariy asoslari

**Turakulov B.N., Xusanova N.B.** Talabalarning kreativ qobiliyatini innovatsion rivojlantirishning psixologik omillari

**Ruzmatova N.Sh.** Psixologik farovonlik tushunchasining mazmun-mohiyati

**Axmadaliev B.S.** Oliy ta'lim tizimida tarbiyaviy ishlarni takomillashtirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish

**Sabirova O.Sh.** Zamonaviy ta'limda sun'iy intellektdan foydalanish

**Aliyev I.T.** Ijodiy mustaqil ishlarni tashkil etish ta'lim sifatini ta'minlash omili sifatida

**Usmonov N.B.** Semiotik pedagogikani o'qitish metodikasi

**Xayrullina P.F.** Pedagogik innovatikaning paydo bo`lishi va rivojlanish shart-sharoitlari

**Атабаева Х.М.** Ўқувчиларни инновацион тадқиқотчилик ва техник қўнималарини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш

**Лухманов Д.Б.** Талабаларда устоз-шогирд анъаналарини кластер усулида takomillashaстириш

**Suvonkulov A.Z.** O'qishdan tashqari ishlar jarayonida bo'lajak tarix o'qituvchilarining kasbiy kompitetsiyalarini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish

**Toshpo'latova D.B.** Talabalarni amaliy pedagogik va boshqaruva faoliyatiga tayyorlash jarayonining o'ziga xos xususiyatlari

**Maxmudova F.Sh.** Talabalarni kasbiy - pedagogik kompetentligini rivojlantirishning nazariy asoslari

**Ochilova M.P.** Pedagogik antropologiya asosida bo'lajak pedagoglarning nutqiy ravonliklarini oshirish yo'llari

**Normurodova A.A.** Tarbiyaning umumiyligi metodlari: turlari va usullari

**Mustafoev E.** Integrativ yondashuv asosida fizika yo'nalishi talabalarining amaliy kompetentligini rivojlantirishning metodik modeli

**Mustafoev E.** Integrativ yondashuv asosida fizika yo'nalishi talabalarining amaliy kompetentligini rivojlantirishning metodik modeli

**Berdiyeva G.Sh., Omonova B.** O'quvchilarida oilaga nisbatan qadriyatli munosabatlarni shakllantirish - psixologik-pedagogik muammo sifatida

**Muqumova D.I., Shovazova O.A.** Zamonaviy pedagogikada sinergetik yondashuv

**Obidov A.E.** Malaka oshirish kurslarida immersiv texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasini oshirish

**Бабашев Ф.А.** PR как фактор формирования положительного имиджа высшей образовательной организации

**Астанов Т.М.** Роль ИКТ в развитие зрительной памяти у учащихся в процессе обучения изображения пейзажа

**Мамаджанова В.** Использование современных педагогических технологий на занятиях иностранного языка

**Bekturjanova Z.K.** Inter-subject connections in biology and chemistry lessons

## **МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ**

**Абаев С., Якубов М.** Пединститутта философиялық пәнлер: тарыйхы ҳәм бүгини

**Базарбаев Р.Ж., Алламуратов А.А.** Совет ҳұқиметиниң Қарақалпақстанда алыш барған жергиликестириў сиясаты

**Юсупбаев М.Г.** «Қарақалпақфильм» киностудиясы тарийхынан

**Yembergenov A.P.** Dunyoviy davlatning tarixiy genezisi va uning namoyon bo'lish shakllari

**Primbetov K.** Talabalarni arxitektura yodgorliklari vositasida ma'naviy tarbiyalash tizimini rivojlantirish

**Baxriddinov O. J.** Sobiq sovet tuzumidan qolgan iqtisodiy meros, mustaqillik yillarida amalgalashirilgan iqtisodiy islohotlar va bozor huquqiy munosabatlarining shakllanishi

**Бердиев Н.О.** Үлкемизда геология ва кончилик ишлари тарихидан лавҳалар

**Ismailov T.X.** XIX asr ikkinchi yarmida turkistonda maorif tashkil etish masalalari

## **ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА**

**Allambergenov A.J.** Internet insan sanasin iyelewi ushin gures maydani

**Muxammadiyeva D.D.** Fizika fanining dolzarb muammolari va ularning kasbiy sohalarga ta'siri

**Nabiyeva F.O.** Elektromagnetizm bo'limining "Joul – Lens qonuni va cho'g'lanma lampalar" mavzusini o'qitish metodikasini takomillashtirish

**Orinbetov N.T.** Raqamli texnologiyalarning ta'limgandi o'rni

**Mahkamova M.U.** Bo'lajak informatika o'qituvchilarining kreativ qobiliyatlarini rivojlantirish metodikasi

**Saparov O.B.** Umumta'lim fanlari o'qituvchilarining malakasini oshirishda va kompetentligini rivojlantirishda sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish ahamiyati

**Raximov A.A.** Elektron ta'lim tizimida axborot xavfsizligini ta'minlashning nazariy asoslari

**Okbayeva N.U.** Informatika va axborot texnologiyalari fanini axborot-mantiqiy modellashtirish asosida o'qitishni takomillashtirish mazmuni

чиқарганимизни ва буларнинг барчасини умумлаштиришни билишимиз кераклигини ўрганиш.

Катта эҳтимол билан ўқувчилар ушбу кўникмаларни бир вақтнинг ўзида ўзлаштира олмайди. Бироқ, биз буларни яхшироқ қарор қабул қилиш ва жасорат билан ҳаракат қилиш учун уларни умумлаштиришимиз мумкин. Ҳар бир ўзлаштирилган кўникма ўқувчиларнинг фикрлаш тарзини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Фикрлашнинг турли хил усуллари мавжуд, аммо уларнинг ҳеч бири муаммоларни танқидий фикрлаш каби ҳал қилишда самараали эмас. Унинг ёрдами билан биз ҳиссий онгни ва ҳиссиёт даражасини кўтаришимиз, шунингдек, когнитив бузилишлар ва эгоцентризмнинг олдини олишимиз мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4467-сонли қарори.
2. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 314 б.
3. Facione, P. A. (2000). The disposition toward critical thinking: Its character, measurement, and relationship to critical thinking skill. *Informal Logic*, 20(1), 61-84.
4. Facione, Peter A., 1990 a, Critical Thinking: A Statement of Expert Consensus for Purposes of Educational Assessment and Instruction, Research Findings and Recommendations Prepared for the Committee on Pre-College Philosophy of the American Philosophical Association, ERIC Document ED315423.
5. Adams, C.A. (2013), Sustainability reporting and performance management in universities: Challenges and benefits. *Sustainability Accounting, Management and Policy Journal* Vol 4 Iss 3, pp. 384-392
6. Hauser, S.M. (2000), “Education, ability, and civic engagement in the contemporary, United States. *Social Sciences Results*, Vol. 29 No 4, pp.556-582
7. Pardabaev J.E. “STEAM” - Education as an innovative approach to the development of vocational training for students” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 3, 2020. ISSN 2056-5852

## **ТАЛАБАЛАРДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЬАНАЛАРИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Лухманов Д.Б.**

Чирчик давлат педагогика институти ”Технологик таълим“ кафедраси катта ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** компетентлик, касбий компетентлик, тариқат, тасаввуф, устоз шогирд анъаналари.

**Ключевые слова:** компетенция, профессиональная компетенция, мистический путь, суфизм, традиции наставник-ученик.

**Key words:** competence, professional competence, mystical way, Sufism, mentor – pupil tradition.  
**РЕЗЮМЕ**

Мақолада илмий мерос орқали устоз-шогирд анъаналарини бўлажак технологик таълим ўйналиши талабаларида кластер усулида такомиллаштириш баён этилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В статье описывается совершенствование традиций наставник-ученик методом кластера для будущих студентов технологического образования с помощью научного наследия.

### **SUMMARY**

The article describes the improvement of mentor-student traditions by the cluster method for future students of technology education using the scientific heritage.

“ Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваломбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаши миз зарур. Шунинг учун ҳам боғядан бошлаб олий ўқув юргигача таълимнинг барча бўгинларини ислоҳ қилишни бошладик.” (1)

Таълим соҳасидаги кластерлар фан, таълим ва иқтисодиёт орасида узвий боғлиқлик интеллектуал салоҳият ҳамда технологик потенциални оширишга олиб келади. Инновацион кластерлар мактабгача таълим, ўрта таълим, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси орқали амалга ошади ва тўғри йўлга қўйилганда жуда яхши натижаларга олиб келади.

Кластер тизимини ривожлантиришда фақатгина чет эл тажрибасидангина эмас балки ўзимизнинг миллий қадриятлар, асрдан-асрга ўтиб бизгача етиб келаётган миллий қадриятларимиз, жумладан устоз-шогирд анъаналарини такомиллаштириш орқали эришишимиз лозимдир.

Юртимиз қадимдан илму маърифат маркази, буюк алломалар, фозилу-фузалолар юрти бўлган. Буюк цивилизация ўчоғи бўлган малакатимиз дунё илм-фани ва тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар, олиму авлиёларни етиштирган заминдир. Ушбу муборак заминдан шунча алломалар етишиб чиқиши бежиз эмас. Зоро бунинг пойдевори бўлиб улуғ бобокалон -ларимизнинг диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмаган ҳолда ўргангандиги ва ушбу билимларни эгаллашда устоз-шогирд анъаналари ғоят кучли ривож топганидир.

“устоз” сўзининг маъноси йўл-йўриқ қўрсатувчи, тарбияловчи, ўқитувчи, муаллимдир. Устоз номига лойиқ бўлиш, шогирдларига тўғри йўл-йўриқ қўрсатиш, уларни тарбиялаб ўз билимлари ва тажрибаларини етказиш жуда катта маъсулиятни талақ қиласди. Ҳар қандай касб ғаси ҳам устозсиз шаклана олмайди.

Диний ва дунёвий билимларни эгаллашда аждодларимиз томонидан устозга буюк ҳурмат қўрсатиш “устоз-отангдан улуг” сўзлари замирида ўз аксини топгандир. Ҳалқимиз маънавиятида илм бергувчи инсонга ҳурмат, уни ҳаётга келишига сабабчи отасидан ҳам устозни юқори қўймоқ, устоз-шогирд анъаналарини асрлар оша ҳозирги кунгача етиб келишига сабабдир. Талабаларда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришда Нақшбандия тариқати меросидан фойдаланиш, ушбу борада тариқатда пир ва мурид яъни устоз-шогирд муносабатларидан ҳар қанча ўрнак олса арзиди. Устоз-шогирд муносабатлари ҳақида Нақшбанд ҳазратлари “Бу йўлга пирсиз кириш асло мумкин эмас. Амалларга пирсиз киришиш ёш боланинг қўлига “Чақмоқ тош” бериш билан баробар”, [4]дея айтган сўзлари ҳам устоз-шогирд анъаналарини давом эттиришда Нақшбандия тариқати меросидан фойдаланиш замон талаби эканлигини қўрсатмоқда.

Бугунги кун талабасининг ўз касбий фаолиятидан келиб чиқиб билим олиши учун ҳозирги кунда давлатимиз томондан барча шароитлар яратилмоқда. Талабалар малакали профессор-ўқитувчилардан таълим олиш билан бирга интернет орқали ўзларига керак бўлган маълумотларни олиб ўз билим ва кўнікмаларини оширмоқдалар. Лекин талабаларга ва айниқса технологик таълими йўналиши талабаларининг касбий компетентликка эга бўлишида устознинг ўрни бекиёсдир. Бежизга бизда “устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар”- дейилмаган. Агар устоз ўз билим ва тажрибасини ўзидан кейин шогирдларига қолдирмаса у қанчалик буюк билим ғаси бўлмасин, унинг умри бесамар ўтган бўлади. Шогирдлари қанча кўп бўлса, улар қанча кўп муваффакиятларга эришсалар бу устознинг нуфузини янада оширади. Устоз-шогирдига фақатгина билим ёки хунар эмас, балки маънавиятини бойитиш, ўз намунаси орқали унга ибрат мактаби бўлиши лозимдир. Талабаларда касбий компетентликни тарбиялаш, уларни ижод қилишга ундаш, изланиш ва мукаммалликка эришишда устоз-шогирд анъаналарини ҳозирги кунга татбиқ этишимиз лозимдир, лекин ушбу анъаналарни буюк алломаларимиз бой меросидан фойдаланган ҳолда бажаришимиз кераклиги, ҳозирги куннинг энг долзарб

муаммоларидан биридир. Бунинг учун ушбу алломаларимиз ҳаётини ўрганишимиз, жумладан буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқати давомчилари бўлмиш Хожа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам каби пирларимизнинг бой маънавий меросини талабаларга етказиш орқали уларда касбий компетентликни ошириш мумкин. Тасаввуф таълимотининг маънавий-маърифий, таълимий, аҳлоқий ва тарбиявий ўрни бекиёсdir.

Нақшбандия таълимотини фалсафий томондан ўрганиш, унда устоз-шогирд орасидаги муносабатлар Г.Наврӯзованинг „Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси“ мавзусидаги докторлик диссертацияси[7] ва монографияда алоҳида ўрганилган. Шунингдек К.Қиличеванинг „Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириши“ мавзусидаги докторлик диссертацияси [6] тасаввуф таълимоти, жумладан, Нақшбандия тариқати намояндалари: Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованд Тоҳур, Хожа Аҳрор Валийларнинг мероси воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш -нинг педагогик томонлари умумий тарзда тадқиқ қилинган.

Баҳоуддин Нақшбанд бутун умри давомида илм ўрганиш, жаҳлдан узок туришни насиҳат қилганлар. У киши Пайғамбарнинг “Қаерда бўлманг, илм талабидан узоқлашманг ва агар обу оташ ичра ғарқ бўлсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинглар ва илм ўрганинглар” -деган ҳадисини доимо уқтирганлар. Нақшбанднинг барча муридлари (шогирдлари) бирор бир касб эгаси бўлганлар. Уларга қўйилган асосий шарт бирор бир касб ортидан ҳалол луқма ейиш бўлган. Камтаринлик улуғланиб, ман-манлик, керилиш нуқсон ҳисобланган. Шу жиҳатлари учун ҳам Нақшбандия тариқати ўз вақтида катта обрўга эга бўлган. Барча ўйтлар энг аввало инсонда яхши фазилатларни тарбиялаш, маънавий комилликка эришиш, аҳлоқ ва исломий иймон мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Зеро иймони мустаҳкам инсонгина комил инсон даражасига этиши мумкин. Тасаввуф илми ҳақида талабалар жуда юзаки билимга эгадир. Ҳатто талабаларнинг қўпчилиги тасаввуф ва тариқат сўзлари маъносини ҳам тушунмайдилар. Ҳолбуки тасаввуф илми барча мусулмон давлатларида жуда катта обрў ва ҳурматга сазовордир. Нақшбандия тариқати меросини ўрганиш орқали биз талабаларда устознинг қандай ҳислатларга эга бўлиши ва шогирднинг устозга нисбатан қандай эҳтиромда бўлиши лозимлигини етказишимиз лозимдир. Энг аввало инсон бўлиш илмини устоздан ўрганмоқ қеракдир. Нақшбанд Ҳазратлари айтар эдилар: ”Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишила, ўзинг қоронгуда бўл“. Ушбу сўзлар замирида буюк инсоннинг нақадар ҳокисор ва камтар, камсуқум бўлганликларини кўрамиз ва ушбу ҳислатларни ўз шогирдларида ҳам улғайтирганлар. Шунингдек устозининг ҳар бир сўзини қонун деб билмоқ, устозга чуқур ҳурмат кўрсатмоқ, шогирднинг келажакда комил инсон даражасига олиб келади. Шу билан бирга устоз ҳам устоз деган номга лойик бўлмоғи лозимдир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди ва куёви бўлмиш Саййид Амир Кулол: ”Бирор киши сизлардан мазҳабга доир савол сўраса-ю, жавоб беролмасангиз, бундан хунукроқ иш бўлмайди“ деганлар. Ушбу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро устоз ўз соҳасини билмас экан, унинг шогирдлари олдида ҳам ҳеч қандай обрўси бўлмайди.

Буни ҳозир ҳам устозлар талабаларга такрор ва такрор уқтиришлари лозимдир. Илм олиш ва ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш учун талабалар тинмай ўз устида ишлиши, устозлар насиҳатларига қулоқ тутиши лозимлиги бу барча даврлар учун исбот талақ қилмайдиган ҳақиқатлардир. Аждодларимиз қадим замонларда илм олиш ҳозирги кундагидек осон бўлмаган даврларда ҳам, билим олишга ҳаракат қилганлар, ўзларини илмга бағишиланлар. Буюк инсонларни етиштирган она заминимизда ҳар бир буюк инсон ортида уни илмга чорлаган, илм ҳунар ўргатган устози туради.

Ота ўз ўғлини устозга шогирдликка бераркан, “эти сизники, суяги бизники” дея лутф қилган. Бу билан устозга ўғлининг келажак тақдирини бус-бутун ишониб топшираётганини билдирган. Устоз ҳам шогирди тақдирига ўзини маъсул деб билиб, бор

иқтидору ҳунарини унга юқтиришга уринган. Оилавий мұхитда етарлича талабчанлик күрмagan болани қатъий тартиб-қоидага күниktirган.[5]

Хозирги кунда устознинг нуфузини ва жамиятдаги ўрнини ошириш борасида жуда катта ишлар амалға оширилмоқда. Устознинг обрўсини оширишни албатта бўлғуси педагогларни тарбиялашдан бошлишимиз керакдир. Талаба устозни қадрлашни ҳам, ўзини устозликка тайёрлашни ҳам ўрганмоғи лозимдир. Устоз деган шарафли номга лойиқ бўлмоғи даркордир. Бунда албатта диний қадриятлар, аждодларимиз меросидан фойдаланиш лозимдир.

Ривоятда ёзилишича бадавлат оила фарзанди бўлган Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбандга шогирд бўлишни истаган. Нақшбанд ҳазратлари хўкиз ишкамбасининг ичини ташқарига ўгириб, бошига қўйиб келишини буюрганда Аттор бозордагиларнинг маломатига эътибор бермай, устозининг амрини бажо келтирган. Устозга ҳурмат шу даражада юқори бўлганлиги ҳар қанча тахсинга лойиқдир.

Нақшбандия тариқатининг энг мұхим асосларидан бири шухратдан қочишидир. Баҳоуддин Нақшбанд ва у зотнинг шогирдлари “хилватда шухрат бор, шухратда оғат” яъни хилват дар анжуман қоидасига амал қилганлар. Улар хилватдан қочганлар ва халқ орасида бўлишни истаганлар. Абдухолиқ Фиждувоний “хилват эшигини ёп, сұхбат эшигини оч”-деганлар.[7] Нақшбандия тариқатида пир ва мурид орасида маънавий орифона сұхбатга катта эътибор қаратилгандир. Нақшбандия таълимотига кўра сұхбат орқали шогирдлар юксалиб, хилватда эса маърифатдан маҳрум бўладилар.

Талабаларда Нақшбандия тариқати воситасида кластер усулида устоз-шогирд анъаналарини такомиллаштиришнинг бир қанча сабаблар мавжуд. Булар:

- Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд анъаналарида устозга буюк ҳурмат, итоаткорлик, илм олишга бўлган кучли ҳохиш ҳозирги кунда ҳам ўrnak олишга лойиқдир;
- Нақшбанд ва Нақшбандия тариқати аҳлининг ҳаром ҳаришдан ҳазар қилиши, диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгаллаши талабаларда касбий компетентликни тарбиялашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қила олади;
- Нақшбандия тариқати намоёндаларининг барча соҳада мукаммалликка интилиши талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга ва бўлажак педагогик фаолиятларида ўз касбининг етук мутахассиси бўлишига хизмат қиласи;
- Устоз-шогирд анъаналарини талабаларда такомиллаштиришда Нақшбандия тариқати намоёндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш орқали эриша оламиз ва бунинг натижасида талабалар ва айниқса технологик таълим йўналиши талабалари ўқиш билан бирга ўз касбий кўнималарини мактаб ўқувчиларига ҳам ўргатишда кластер усули орқали эришадилар;
- Нақшбанднинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашларини ўрганиш ва алломанинг илгор таълимотини таълим соҳасига, чунончи касбий компетенцияни ривожлантиришга йўналтириш мумкинdir;
- Тасаввуф таълимотининг маънавий-маърифий, таълимий, ахлоқий ва тарбиявий қарашлари талабаларда касбий компетентликни оширишга хизмат қиласи олади;
- Нақшбандия тариқати намоёндаларининг адолатли, камтар, камсукумлиги устоз-шогирд муносабатларида намуна вазифасини ўтайди;

Нақшбандия шайхлари ишсиз, ҳунарсиз инсонларни шогирдликка қабул қилмаганлар. Мұхаммад Бобо Самосий боғбон, Амир Кулол кулол, Баҳоуддин Нақшбанд нақош, тўқимачи ва чорвадор, Амир Ҳамза овчи, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор чорвадор ва савдогар бўлишган.

Ҳожа Аҳрор Валий шогирдларига фақатгина мураббий устоз пир бўлибгина қолмай, ҳар бир инсонга муносиб ҳалол ва адолатли, қаноатли ҳолда яшаш йўлларини ўргатади. Ҳусусан инсонларни тилга эътибор беришлари уларнинг камолот йўли эканлигини ўқтириб қуйидаги ўѓитларида баён қиласи:” Одамзод уч бўлақдир: Кўнгил ва тил ва ўзга аъзолар. Кўнгил Ҳудони бир деб билмоқ учундир ва тил Ҳудони бир деб айтмоқ учундир

ва ўзга аъзолар бандалик қилмоқ учундир.” “Кимнинг гапираётганига эмас нима гапираётганига қара.[6]

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида: ”Агарки мана шу муқаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айни вақтда башарият- нинг бугунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узоқ гапириш мумкин. Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндлари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатdir. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чукур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман”.[2]

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев улуғ мутафаккирларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, шунингдек ҳозирги кунда устознинг нуфузини ошириш борасида жуда кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Аждодларимиз томонидан , жумладан Нақшбандия тариқати бебаҳо мероси ва унитилаёзган қадриятларимизни қайта тиклаш ва ёшларга ўrnak тариқасида етказиш давлат сиёсати даражасига қўтарилиди.[3]

Талабаларда касбий компетентликни такомиллаштиришда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш ва бу борада Нақшбандия тариқати илмий меросидан фойдаланиш ҳозирги кун талабидир. Таълим тизимини ривожлантириш олий таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланади. Талабаларимиз ўз устида ишлашни, билимларини бойитишини , илм олиш йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардошли бўлишни буюк аждодларимиздан ўрганмоғи лозимдир. Бу таълим тизимидағи барча ислоҳотларни амалга оширишнинг энг тўғри йўлидир. Таълимда кластер тизимини такомиллаштириш, талабаларни билим ва маънавий дунёқарашини оширган ҳолда уларни ўқиш билан бирга бевосита бўлажак касбига тайёрлаш лозимдир. Бунда бизнинг олийгоҳимизда ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Талабалар ва ўқувчилар орасида ҳамкорлик борасида технологик таълим йўналиши талабалари мактаб ўқувчилардан қизларга тикиш сирларини, ўғил болаларга дурадгорлик ва бошқа хунарларни ўргатиш йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга талабалар Нақшбандия тариқати таълимотида касб-хунар ўрганиш, меҳнат қилиш инсонни комилликка етаклаши борасида ушбу таълимотни мактаб ўқувчиларига етказишлари лозимдир. Кластер тизимида янги инновацион технологиялар билан биргаликда аждодларимиз меросидан фойдаланиш жуда яхши натижаларга олиб келади. Зоро аждодларимиз яратган буюк устоз-шогирд мактаби мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш ва юқори чўққиларга олиб чиқиши шубҳасиз.

#### Адабиётлар:

1.Ш.М.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. – 14 бет

2.И.А. Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” .Тошкент: ”Маънавият” нашриёт-матбааси-2008

3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси”. 25.01.2020.

4.Шайх Эшон Шахрихоний “Хожагон Нақшбандия тариқатида ҳуфия зикр одоблари” Тошкент: Моварауннахр-2005.